

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ВОКАЛ-ХОР
ИЖРОЧИЛИГИ ЙЎНАЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Саодат Музафарова

ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси доценти

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Аннотация

Мазкур мақолада мактабдан ташқари таълим муассасаси – болалар мусика ва санъат мактабида вокал-хор ижрочилиги йўналишида олиб борилаётган ўқув машғулотлари таҳлили, таҳлил натижасига кўра аниқланган муаммо ва ечимлар берилган.

Калит сўзлар: вокал, вокал-хор ижрочилиги, жамоа ижрочилиги, репертуар, ижро имконияти, педагог компетенцияси.

Аннотация

В статье представлен анализ уроков, проводимых в области вокально-хорового исполнения во внешкольном образовательном учреждении – детской музыкально-художественной школе, выявленные в результате анализа проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: вокал, вокально-хоровое исполнение, коллективное исполнение, репертуар, исполнительское мастерство, педагогическая компетентность.

Annotation:

This article provides an analysis of the lessons conducted in the field of vocal and choral performance in the out-of – school educational institution- children's school of music and art, the problems and solutions identified as a result of the analysis.

Key words: vocal, vocal-choir performance, team performance, repertoire, performance ability, pedagogical competence

Mustaqil diyorimizda o'sib kelayotgan har bir yosh avlodning bilim olishi, o'qib o'rganishi uchun barcha imkoniyatlar yaratib berilgan. Bolalarning maktabdan tashqari bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish uchun tashkil qilinayotgan qo'shimcha ta'lim turlarini ko'paytirish va ularni rivojlantirish bugungi kundagi eng dolzarb masalardan biri hisoblanadi. Yosh avlodni o'z kasbining yetuk mutaxassisi qilib tarbiyalashda maktablarning o'рни beqiyos. Bolalar musiqa va san'at maktablari ham shular jumlasidandir.

Musiqa san'ati turlari ichida jamoaviy kuylash – xor san'atining o'ziga xosligi, yuqori ijro madaniyati va mukammalligi bilan tinglovchilarga o'zgacha huzur baxsh etadi.

Jamoaviylik bu birdamlik, do'stlik, birodarlik tushunchalari bilan uzviy bog'liq. Jamoaviy ijrochilik insonga manaviy ozuqa berish bilan birga, ularning madaniyatini, dunyo qarashini, ulardagi insoniylik tuyg'ularini shakllantirishga katta yordam beradi.

Bolalar musiqa va san'at maktabining asosiy maqsadi yosh avlodning musiqa va san'at turlariga qiziqishi va qobiliyatini rivojlantirish, ijtimoiy faoligini oshirish, ularni xalqimiz an'alariga va milliy qadriyatlarimizga nisbatan hurmat ruhida tarbiyalash, ma'naviy va ma'rifiy saviyasini har tomonlama oshirishdan iborat.¹

So'nggi yillarda O'zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni rivojlantirish, yangi O'zbekistonning yangi tarixini yaratish, moddiy va nomoddiy meros durdonalarini saqlash va targ'ib etish xalq og'zaki ijodiyoti va havaskorlik san'atini yanada ommalashtirish, yurtimizning jahon madaniy makoniga faol integratsiyalashuvini ta'minlash, madaniyat va san'at sohasini innovatsion rivojlantirishga qaratilgan tizimli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 28-noyabrdagi PQ-4038-son qarori bilan O'zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasi va uni amalga oshirish bo'yicha yo'l xaritasi tasdiqlandi.²

2020-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasida madaniyat va san'atni yanada rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar dasturi 1-ilovaga muvofiq;

O'zbekiston Respublikasi milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasining 2021-2025-yillarga mo'ljallangan maqsadli ko'rsatkichlari 2-ilovaga tasdiqlangan.

Madaniyat vazirligi, Moliya vazirligi, O'zbekiston kompozitorlari va bastakorlar uyishmasi, Maktabgacha ta'lim vazirligi va Xalq ta'limi vazirligi 2021-2022-o'quv yilidan boshlab notalar to'plamlari va maxsus musiqiy adabiyotlarni O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti mablag'lari hisobidan chop etilishini va ularning ta'lim muassasalariga to'liq yetkazilishini taminlash qarori qabul qilindi.

Ёшлар, жумладан ўсмир-ёшлар маънавиятини такомиллаштиришда дарс жараёнидаги таълим машғулотлари билан биргаликда дарсдан ташқари ташкил этиладиган машғулотлар, мустақил таълим машғулотлари катта аҳмият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида

¹ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining qarori.

² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining. Madaniyat va san'at sohasining jamiyat hayotidagi o'rni va ta'sirini yanada oshirish chora-tadbirlar to'g'risidagi farmoni.

китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда Президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни жорий этишни таклиф этди. Мазкур ташаббуснинг биринчи йўналиши ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қамровининг кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига таълимдаги замонавий ютуқлар ва методларни татбиқ этиш, янги авлод ўқув-услубий адабиётларини яратиш каби долзарб масалалар юклатилди.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолият жиҳатдан мактабдан ташқари таълим объекти ҳисобланиб, унинг асосий фаолияти униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ўқувчиларнинг миллий ва жаҳон мусикалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиш учун зарур шароитлар яратишга қаратилгандир. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш;
- ўқувчилар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш;
- ўқувчиларни миллий ва жаҳон мусикаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан ва ўзбек халқининг мумтоз мусиқа мероси дурдоналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш;
- миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни узвий бирлаштириш асосида ўқувчиларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;
- ўқувчиларга умумий мусиқа, хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича билимларнинг бошлангич асосларини ўргатиш орқали уларни мусиқа ва санъат оламига жалб этиш;
- иқтидорли ўқувчиларни мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқишини давом эттириш учун тайёрлаш.

Болалар мусиқа ва санъат мактабининг асосий йўналишларидан саналмиш вокал-хор ижрочилиги йўналиши академик хонандалик негизида ташкил этилган бўлиб, болаларнинг бадиий, ахлоқий-эстетик қарашларини, бадиий дид ва эҳтиёжларини, боланинг ижрочилик маҳоратини, мусиқий саводхонлигини, тинглаш маданиятини, вокал-хор ижрочилигига оид билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Республикамизда фаолият юритаётган болалар мусиқа ва санъат мактабининг вокал ижрочилиги йўналиши ўқув жараёни билан танишиш, дарс машғулотларини таҳлил қилиш, педагоглар ва ўқувчилар билан олиб борилган мулоқот натижасида соҳани ривожлантириш учун талайгина ишлар амалга оширилиши лозим эканлиги аниқланди. Жумладан, ўқув-услубий таъминот борасида ўқув адабиётларининг етишмаслиги, мавжуд адабиётларнинг рус тилида эканлиги, керакли ноталар тўпламининг етишмаслиги, ўқув-услубий материалларнинг электрон, қолаверса CD, VCD, DVD вариантлари танқислиги аниқланди.

Педагог-кадрлар малакасини ошириш борасида ҳам муаммолар мавжудлиги, масалани тизимли равишда амалга ошириш лозимлиги таҳлил этилди.

Ўқув машғулотлари амалий тарзда олиб борилиши асносида, асосий эътибор ижрочилик маҳоратига қаратилиши табиий ҳолат, лекин танланган асарнинг яратилиш тарихи, унинг муаллифлари ҳаёти ва ижодий фаолияти, турли хонандалар томонидан ижро вариантларининг ўзига хослиги ҳақида берилиши лозим бўлган назарий маълумотлар ҳам ўқувчининг соҳага оид билимини оширади.

Вокал-хор ижрочилиги йўналишида кадрлар тайёрлаш борасида репертуар, жумладан миллий руҳдаги репертуарлар яратиш ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир. Шу хусусида болалар мусиқа ва санъат мактабининг вокал ижрочилиги йўналишидаги репертуарлар таҳлил қилинганда аксарият асарлар мазмунан эскирганлиги, миллий руҳдаги ватанпарлик ҳиссиётларни кучайтиришга қаратилган асарлар кам эканлиги аниқланди.

Репертуар танлашда ўқувчининг ижро имкониятлари бирламчи бўлиб, педагог томонидан тавсия этилаётган асар ўқувчининг ижро маҳоратига, ёшига, овоз турига мос келиши лозим. Бу борада педагогнинг компетенцияси муҳим бўлиб, мавжуд репертуарни қайта ишлаши, унга замон руҳини бериши, а'капелла жанрида аранжировка қилиши, сайқаллаштириш ҳам ўз самарасига эгадир.

Бир неча йиллардан буён мавжуд репертуарни замон руҳи билан қайта ишлаш, нафақат репертуарни бадиий бойитишга, балки ўқувчилар қизиқишини янада оширишга, ўқувчилар қамровини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Республикамизда фаолият юритаётган болалар мусиқа ва санъат мактабининг вокал ижрочилиги йўналиши ўқув жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар тавсия этилади:

- болалар мусиқа ва санъат мактаби ахборот ресурс маркази фондидаги китоблар мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан эскирганлиги сабабли Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда янги авлод адабиётларини яратиш;
- болалар мусиқа ва санъат мактабидаги педагоглар малакасини ошириш

тизимини қайтадан кўриб чиқиш;

- ўқувчилар учун тўланадиган бадал пулини реаллаштириш;
- болалар мусиқа ва санъат мактаби ижтимоий мавқеи ва касбий потенциални кўтариш мақсадида илмий ва фахрий унвонларга эга бўлган мутахассислар ва институт профессор-ўқитувчилари иштирокида маҳорат дарсларини ташкил этиш;
- институт талабаларининг малакавий амалиётини болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этиш.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, вокал-хор ижрочилиги йўналиши бўйича олий таълимда малакали кадрларни тайёрлашнинг асосий мезони, бу таълимнинг олдинги босқичларига, яъни болалар мусиқа ва санъат мактабидаги мавжуд вокал-хор ижрочилиги йўналишидаги ўқув жараёни сифатига боғлиқдир. Шундай экан, олий таълим профессор-ўқитувчилари болалар мусиқа ва санъат мактаби билан интеграллашган ўқув курсларини ташкил этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
2. Красношёков В. Вопросы хороведения. – Москва: Музыка, 1969. – 224 стр.
3. Gordon Lambconnexions. Choral Techniques. – Rice University, Houston, Texas. <http://cnx.org/content/col11191/1.1/> >273-274.